

**ҲАМИД БОБОҚУЛОВ**

**КОРРУПЦИЯ – ЖАМИЯТ  
КУШАНДАСИ**



**ҲАМИД БОБОҚУЛОВ**

# **КОРРУПЦИЯ – ЖАМИЯТ КУШАНДАСИ**

**"НАСАФ" НИМУ  
2023 йил**

уўК 821  
КБК 84(5Ўзб)

*Бобоқулов Ҳамид.  
Коррупция - жамият кушандаси/Ҳамид Бобоқулов. Қарши: «Насаф»  
НМИУ, 2023. 32 б.*

**ISBN 978-9910-9711-5-0**

**КБК 84(5Ўзб)-2**

**Масъул муҳаррир:  
Ўроз ҲАЙДАР,  
Ўзбекистон Журналистлар ва Ёзувчилар уюшмаси  
аъзоси.**

**Тақризчи:  
У.А. МАМАДАЛИЕВ,**

**Қашқадарё вилоят суди раиси ўринбосари.**

**ISBN 978-9910-9711-5-0**

© Ҳ. Бобоқулов, 2023 й.  
© “Насаф” НМИУ, 2023 й.

\* \* \*

Буюк соҳибқирон Амир Темур халқ манфаати учун салтанат бошқарилишини адолат мезони билан ўлчаган. Адолат тарозиси бузилган жойда ёхуд қонун қонун учунгина ишласа, турли кўринишдаги иллатлар ўрчиши ҳақида доимо аъёнларини огоҳлантириб турган. Гарчи “Қонун – қонун бўлганлиги учун эмас, балки унда адолат акс этганлиги учун қимматлидир”. Публицист Бахтиёр Ҳайдаров “Адолат шаъми” мақоласида келтирилишича: “Соҳибқирон қўллаган жазолар шафқатсиз, аммо адолатли бўлган. Қонунни бузганлиги учун юқори лавозимдаги мансабдорлар, ҳатто ўзининг яқин қариндошлари ва фарзандларини ҳам жазолашга буюрган. Султония ноиби бўлмиш ўғли Мироншоҳ Мирзо амалдорлари билан биргаликда майшатга берилиш оқибатида, зулму ситам ҳаддан ошади. Давлат хазинаси бўшаб, аҳоли оғир аҳволга тушади.

Бундан хабар топган Соҳибқирон Султонияга лашкар тортиб боради. Беклар ва амирлар кенгашини чақириб, айбдорларни жазолаш учун маслаҳатлашиб ўғли Мироншоҳ Мирзо ва уни бу йўлга бошлаган амалдорларга ўлим жазоси бериб, уларнинг барча молмулки мусодара қилинсин, деб буоради.

Бундай қатъий ҳукмдан даҳшатга тушган мулозимлар пиру муршиди Сайид Баракага мурожаат қилиб, ўртага тушишини илтимос қиласидар. Амир Темур унинг илтимосини қабул қиласиди. Бир неча амалдорлар ўлдирилганидан кейин Мироншоҳ Мирзога навбат етганда, жаллод уни жазо тахтасига ётқизиб бошини кесмоқчи бўлади. Сайид Барака Амир Темурга, мазкур ҳукм амалга оширилса, темурийлар авлодида ўғлини

ўлдириш анъана тусини олиш хавфи борлигини яна бир бор уқтиради. Ўшандагина Амир Темур Мироншоҳ устидан чиқарган ҳукмни бекор қиласи, лекин ўғлини ҳукмдорлик ҳуқуқидан маҳрум этади.

Бобомиз Амир Темур адолат устуворлиги йўлида қатъиятлик, диёнат каби ҳислатларга таянганки, ҳукмдорлик рутбасига улуғлик бағишилаган. Демоқчимизки, бизда давлатчилик илдизи чуқур отган ва адолат ҳимоясига олинган. Бу кўхна анъаналар жаҳон мамлакатлари учун ҳам андозага айланган. Ўзбекистоннинг янгиланган сиёсати жамиятда адолат ва қонун устуворлигини олий даражага кўтариш, замонавий, самарали давлат бошқарувини жорий этиш, давлат хизматчиларида коррупциявий ҳолатларнинг барча кўринишларига нисбатан қатъий муросасизлик руҳиятини шакллантириш, халқ манфаатларини сўзсиз таъминлаш каби юксак фояларга таянмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан қабул қилинган 2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг аҳамияти катта ҳисобланади.

Мамлакат тараққиётининг энг муҳим йўналишлари белгиланган Ҳаракатлар стратегиясининг Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишида бевосита коррупцияга қарши курашишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш ва коррупцияга қарши курашиш тадбирларининг самарадорлигини ошириш муҳим вазифалардан бири сифатида белгиланган.

«Тараққиёт стратегияси сари» тамойилига асосан ишлаб чиқилган қуидаги еттита устувор йўналишдан иборат 2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси ва уни «Инсон қадрини улуглаш ва фаол маҳалла йили»да амалга оширишга оид давлат дастурида белгиланганидек, яъни:

инсон қадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш;

мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш;

миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш;

адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, инсон капиталини ривожлантириш;

маънавий тараққиётни таъминлаш ва соҳани янги босқичга олиб чиқиш;

миллий манфаатлардан келиб чиқсан ҳолда умумбашарий муаммоларга ёндашиш;

мамлакатимиз хавфсизлиги ва мудофаа салоҳиятини кучайтириш, очик, прагматик ва фаол ташқи сиёсат олиб бориш бу ҳуқуқ-тартибот тизимида муаммоларнинг ечимини топишга, адолат устуворлигини таъминлашга ҳар қандай жиноят пайини қирқишишга, шу жумладан коррупциянинг олдини олишга ва уни барҳам топишига муҳим омил эканлигини таъкидламоғимиз лозимдир.

Энг аввало, шуни таъкидлаш ўтиш жоизки, коррупцияга қарши курашнинг сифат ва сон жиҳатдан мутлақо янги даражага кўтарилиши Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг

сиёсий иродаси маҳсулидир. Жумладан, давлат раҳбарининг жамиятни «ҳалоллик вакцинаси билан эмлаш» зарурияти ҳақидаги фикрлари бу борадаги ишларга кўйилган тамал тоши десак, асло муболаға бўлмайди. Зеро, Президент 2020 йилнинг 24 январь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига қилган Мурожаатномасида таъкидлаганидек, «Жамиятимизда коррупция иллати ўзининг турли кўринишлари билан тараққиётимизга ғов бўлмоқда. Бу ёвуз балонинг олдини олмасак, ҳақиқий ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яратиб бўлмайди, умуман, жамиятнинг бирорта тармоғи ривожланмайди».

Мамлакатимизда қонун билан коррупцияга қарши курашиш борасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, ваколатли органлар тизими, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқароларнинг мазкур соҳадаги иштироки, коррупциянинг олдини олишга доир чоратадбирлар, жазо муқаррарлигини таъминлаш ва бу борада халқаро ҳамкорликни таъминлаш каби чоралар мустаҳкамлаб қўйилди.

Мамлакатда коррупцияга қарши куаш бўйича чоратадбирларнинг асосида давлат органлари фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш устувор вазифа сифатида белгиланмоқда. Жумладан, 2021 йил 16 июнда қабул қилинган «Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиқлигини таъминлаш, шунингдек, жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонига кўра, барча

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шу жумладан, Ҳисоб палатаси, Марказий банк, суд ва прокуратура органлари ҳамда уларнинг таркибий ва ҳудудий бўлинмалари, шунингдек, устав фондида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган хўжалик жамиятлари ҳамда давлат унитар корхоналари томонидан Очиқ маълумотлар сифатида жойлаштирилиши керак бўлган ижтимоий аҳамиятга молик маълумотлар рўйхатини тасдиқлашлари лозимлигини жорий этилди. Бундан ташқари, бюджет харажатларини тартибга солиш бўйича жамоатчилик назоратини амалга ошириш, бюджет қонунчилигининг бузилиши фактлари тўғрисида хабардор қилиш ва бюджет жараёнини такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритиш тартиб-таомилини ташкил этиш бўйича «OpenBudget» – «Очиқ бюджет» портали ишга туширилди.

Коррупция ҳолатларининг олдини олиш ва уларни бартараф этишнинг энг муҳим жиҳатларидан бири – давлат бошқаруви тизимида «инсон омили»ни камайтириш учун давлат ва жамият бошқарувига ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш йўлга кўйилди. Маъмурий ва бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, рўйхатга олиш, лицензиялаш ва рухсат беришга доир тартиб-таомилларни соддалаштириш ҳамда уларнинг тезкорлигини ошириш мақсадида барча ҳудудларда жами 201 та давлат хизматлари марказлари ташкил этилди.

Бугун жаҳонни ташвишга solaётган коррупция ҳақида кенгроқ кўламда тўхталмоқчимиз. Коррупция нима? Президентимизнинг 2020 йил 29 июндаги “Ўзбекистон

Республикасининг “Коррупцияга қарши кураш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чоратадбирлар тўғрисида”ги Фармонида шундай дейилади: “Коррупция — шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиш”.

Энг аввало, коррупцияга қарши курашишни оиладан бошлаш даркор. Бу борада аёлларнинг роли катта, деб ҳисоблаймиз. Агар ўғрилик ёки пора ҳисобига келган луқманинг таг-илдизини аёлларимиз сурештириб билса, очиқ фикрини айтолса, эрлар ҳалол ризқни излашга тушиб, иши ва оиласида файз-барака, сокинлик ҳамда хотиржамлик қарор топиши, шубҳасиз.

Ўзбекистон Республикаси “TRANSPARENCY INTERNATIONAL” Халқаро ноҳукумат ташкилоти томонидан ҳар йили эълон қилиб бориладиган “Коррупцияни қабул қилиш индекси”да 2018 йилда 158 ўринда, 2019 йил 153 ўринда, 2020 йил 146 ўринда, 2021 йил 140 ўринда, 2022 йилда 126 ўринда эканлиги қайд қилинган.

Юридик фанлари доктори М. Омоновнинг таъкидлашича, Коррупция — тамагирликнинг юқори нуқтаси. Унга қарши курашиш учун амалдорлардан сиёсий ирода талаб қилинади. Ушбу вазиятдан чиқиш усули шуки, аввало, давлат бюрократик аппарати ҳажми имкон қадар камайиши, фуқароларнинг шахсий ҳаётига ва иқтисодий фаолиятига давлатнинг минимал аралашуви, монополияга барҳам берилиши лозим.

Түғри, коррупцияга қарши курашиш турли мамлакатларда турлича намоён бўлади. Аммо давлат хизматида ўғриламаслик учун дунёда фақат иккита рецепт тан олинади:

1. Швейцария — вақтни қисқартириш.
2. Хитой — ҳаётни қисқартириш.

Албатта, мамлакатимизда ҳам бу иллатга қарши кескин курашиш чоралари кўрилмоқда. Тадқиқотлар бирор-бир иллатга барҳам беришда энг самарали восита иллатнинг ўзи билан эмас, балки сабаби билан курашиш эканини кўрсатмоқда.

Бизнингча, бу ярамас иллатга қарши курашишни қўйидаги муаммоларнинг ечимидан бошлиш тавсия этилади: агентлик томонидан коррупция таркибий қисмига кирадиган қонун ҳужжатлари қайта кўриб чиқилиши; давлат муассасалари устидан жамоатчилик назорати (очиқлик индекси) ўрнатилиши; ҳокимлар ва вазирлар парламент ҳамда маҳаллий Кенгашлар томонидан тасдиқланиши; барча давлат хизматлари “Ягона ойна” марказларига ўтказилиши, суд тизими мустақиллиги мустаҳкамланиши; давлат хизматчиларининг ижтимоий ҳимояси, мансабдор шахсларнинг иш ҳақини бизнесдагига ўхшашиб иш ҳақидан 2-3 баравар кўп бўлишига эришилиши (Грузия тажрибаси) керак.

Бунинг учун мустақил комиссия ва марказларни тузиш, ҳақиқий аҳволни жиддий ўрганиш, барча тадқиқотлар ҳамда ахборотларни мунтазам йифиб борадиган ягона марказ тезда иш бошлиши талаб этилади. Чунки қиласиган иш ва вазифа ўн йилларга етгулик.

Тан олиш жоизки, давлат харидлари, инвестиция,

банк, солиқ, божхона, бозорлар, қурилиш тизимида коррупцияга алоқадор шахслар яхши даромад кўради. Қонунчилик амалиёти, ҳуқуқ-тартибот органларининг уларга қарши туриш борасида ўта “ожизлиги”, “заифлиги”, ҳатто хайриҳоҳлиги ҳолатлари ишимизга халақит бериб, бунинг оқибатида ҳалқ ва давлатнинг ер ости ҳамда ер усти бойлигини ўзлаштириш эвазига чет элларда данғиллама виллаларга эгалик қилиш ҳолатлари кўпайиб боради.

Жамият аъзоларини бирдай қийнаб келаётган балои офатга қарши курашиш учун қўшни давлатлар тажрибасини ўрганиш ва сабоқлар чиқариш йўлида изланиб, Россиядаги аҳвол кўздан кечирганда: 2000-йиллар аввалида улкан мамлакатнинг миллий хавфсизлигига коррупция хавф сола бошлагач (асосан, ер ости бойликлари ва мудофаа соҳаси маблағларини талонторож қилиш), маҳсус идора очилди, мавжуд муаммолар -халқаро тажриба билан таққосланиб, “ҳомий” вазифасини бажарган ҳуқуқ-тартибот органлари, солиқ, божхона хизмати тизими раҳбарларига кескин чоралар кўрилди.

Ички ишлар органи тизими бутунлай ислоҳ этилди. Криминал тармоқлардаги узоқ йиллик коррупция ҳолатлари ишончли далиллар орқали фош қилиниб, йирик жиноий ишлар очилди.

Масалан, Москва ҳамда марказий шаҳарларда коррупция юқори, узоқ ўлкаларда камроқ ривожланган эди. Айниқса, суд, прокуратура, ички ишлар органларида, олий ўқув юртларида коррупцион тизим “самарали” ишлаганлиги аниқланиб, минглаб мансабдор шахслар лавозимидан озод қилинди. Бундан

хулоса чиқарған тамагир раҳбарлар сиёсий вазиятдан сал чўчиб, ўзларини “панага тортди”.

Айтиш мумкинки, ўзбек сиёсатчилари, давлат арбоблари, олимлари ўрганаман деса дунё мамлакатларида бундай жиҳатлар кўплаб топилади. Мисол учун, Сингапурда пора олишдан бош тортган амалдорларга мукофотлар тарқатилади. Япония давлат сектори ходимларининг виждонлилиги баҳолаб борилади. Биз ўзига хос бундай ислоҳотлар тагзаминидаги ички ва ташқи омилларни тадқиқ этишимиз зарур. Булардан ташқари, “конфуцийча капитализм”, сухарточа сиёсат, Махатхира (руху нигара) фояларининг мазмун-моҳияти ҳам деярли ўрганилмаган.

Хуллас, давлат органларида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши кураш бўйича чора-тадбирларни жорий этиш, аҳолининг коррупцияга қарши қарашларини шакллантириш бўйича халқаро тажрибалар ҳеч қачон зарар қилмаган.

Ўзбекистонда бу борада тўпланган муаммолар Россияникига яқин туради, демак, дастлабки тадбирлар ана шу схема асосида амалга оширилиши мумкин. Коррупция илдизига болта уришда жиноят ишлари бўйича судлар устувор мавқени эгаллаши лозим, деган фикрдамиз.

Лекин афсуски, МДҲ давлатларида кимнингдир тазиики, кўрсатмаси ёки тамагирлиги, мансабдорнинг сотиб олиниши эвазига судларнинг адолатсиз хукмлар чиқариши ҳоллари кўп учрайди (юртимиз ҳам мустасно эмас). Суд тизими сиёсий ҳокимиятнинг итоатгўй, тобе органига айланиши касалликнинг баттар газак олишига олиб келади.

Жонли мисол, маҳаллий ҳокимларнинг фуқаролар ва юридик шахсларга ерни ажратиши, кўп йилдирки, бизнесга, кимошди савдосига айланиб, роса коррупциялашганлиги боис, улар чиқарган қарорларнинг тенг ярми, қарийб 2000 таси судлар томонидан бекор қилингани, сўнг депутатлар қистови билан мазкур вазифанинг геокадастр ташкилотига ўтказилгани шу соҳада ташланган дадил қадам бўлди. Булардан ташқари, ўнлаб ваколатлар жамоат ташкилотлари ихтиёрига топширилди. Ишонамизки, бундай демократик жараён давом эттирилади.

Мамлакатимизда ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий ислоҳотларни ҳаётга татбиқ этиш пайтида коррупция жиддий тўсиқ бўлаётгани жамоатчиликни ташвишга солмоқда. Шу боис Юртбошимиз бошлаб берган жамиятни демократлаштириш, модернизациялаш жараёнлари қийинчилик билан давом этмоқда. Иқтисодиётнинг инвестиция киритилган, “пул ишлайдиган”, бирмунча “ёғли” тармоқларига ўрнашиб олган “коррупция ҳалқаси” миллий тараққиётимизнинг душмани, жамоат назорати эса уларга қарши курашда ожизлик қилаётгани ҳам афсуски бор гап. Мамлакатда коррупция схемалари, меҳнат қилмасдан тезда бойиб қолиш механизмлари, ишланган усуллари “занжири” узиб ташланмас экан, давлатимизнинг ҳар қандай сиёсий, иқтисодий ислоҳотини ҳаётга олиб кириш, ҳалқни фаровон қилиш вазифаси қофозда қолиб кетаверади.

Шу ўринда яна бир тоифа ҳақида алоҳида тўхталиб ўтиш зарур, деб ҳисоблаймиз. Маълумки, 1990-йиллар бошида мустақиллик йўлига ўтган ёш давлатларда

модернизациялаш табиий бўлмаган жараённи ўз бошидан кечирди. Барча кўрсаткичлар газеталарда ёзилгандай “силлиқ” эмас, балки нотекис кечаётгани кўпчиликка маълум эди. Чунки давлат бош ислоҳотчиликни бўйнига олган бўлса-да, уни амалга оширувчи институт бюрократия қўлида қолганди. Аппаратчи бюрократлар синфи социализм ҳукм сурган эски даврларни кўп қўмсайди, янгиликни хоҳламайди. Масалани шу жиҳатдан холис таҳлил қилганимизда, бюрократиянинг ҳокимиятга “таъсири” коррупционерлардан кам эмаслиги аён бўлади.

Коррупция ва миллий тараққиёт масаласи — юрт тақдирни, мамлакат келажаги учун ҳар қачонгидан муҳим ва долзарб аҳамият касб этади. Сабаби юртимиз аҳолиси бир асрлик мустамлакачилик даврида йўқотилган моддий ҳамда маънавий бойликлар ўрнини қайта тиклаш, иқтисодиётни ривожлантириш, миллий ўзликни асраш йўлида кечаю кундуз меҳнат қиласиган давр келди.

Японлар ҳам, хитойликлар ҳам, сингапурликлар ҳам халқ руҳиятини сақлаб қолиш, диний қадриятларни мустаҳкамлаш, ватанпарварлик мафкурасини онгга сингдириш орқали миллий тараққиётга эришди. Биз ҳам шу нурли йўлдан юришга муносиб халқмиз. Зоро, озодлик, эркинлик яратган бой имкониятдан тўлақонли фойдаланиш Ўзбекистонда коррупция муаммоси ечилишига, қолаверса, учта ҳокимиятнинг ўзаро тийиб туриш тамойилига нечоғли амал қилишига чамбарчас боғлиқ бўлади.

Мухтасар айтганда, коррупция — тараққиёт күшандаси, хавфсизликка таҳдид туғдирувчи хавфли жиноят.

Бу иллатга қарши курашиш тегишли органларнинггина эмас, барчанинг иши бўлиши зарур. Шундагина биз ушбу хавфни бартараф этган бўламиз.

Коррупцияга қарши самарали курашда дунёning тараққий этган давлатларининг илфор тажрибасини ўрганиш ва миллий амалиётга татбиқ этиш муҳим ўрин тутади.

Куйида ана шундай илфор хорижий тажрибалар хусусида фикр юритамиз. Маълумки, Нидерландия дунёда коррупция даражаси энг паст давлатлар қаторига киради. Мазкур давлатда коррупцияга қарши кураш тизими қўйидагиларни ўз ичига олади. Коррупция ҳолати аниқлангач, коррупциявий ҳаракатнинг оқибатлари муҳокама қилинади ва уларга қўлланган жазолар мунтазам равишда эълон қилиб борилади. Ички ишлар вазири ҳар йили коррупция фактлари ва коррупцияга алоқадор шахсларни жазолаш чоралари тўғрисида парламентга ҳисобот беради.

Мамлакатда коррупциявий ҳолатлар юзага келиши мумкин бўлган «нуқта»ларни кузатиб бориш ва бу жойларда шахсларнинг фаолиятини назорат қилиш тизими ишлаб чиқилган.

Хитойда сўнгги беш йилида ҳукмрон Коммунистик партия(КП)нинг 80 минг аъзоси коррупцияга қарши кураш қоидаларини бузганлигини ихтиёрий тарзда тан олган. Бу ҳақда КПнинг имтизомни текшириш бўйича Марказий комиссияси котиби ўринбосари Сия Пэй маълум қилган дея “Associated Press” хабар тарқатган.

Қайд этилишича, партия охирги ўн йил давомида Қарийб 5 миллион нафар (жами аъзолари сони 96 миллион нафар) аъзоларига нисбатан эҳтимолий

коррупция факти бўйича текширув ўтказган. Бироқ атиги 553 ҳолатда жиноят иши қўзғатилган. “Коррупциянинг қулоч ёйиши мутлақо тўхтатилди. Мақсадли сиёсат ва кучли босим сўнгги 5 йилда 80 минг нафар партия аъзосини қоидабузарликни ихтиёрий тан олишга мажбур қилди”, деган Сия Пэй Компартиянинг 20-съездига. Маълум қилинишича ушбу даврда коррупция учун жазолангандарнинг аксарияти (89 фоизи) бундай қоидабузарликни қайта содир этган. Си Цзинпин 2012 йилда партия марказий қўмитаси бош котиби лавозимига киришганидан буён эса КПнинг жами 207 минг нафарга яқин аъзоси турли йўсинда жазоланган.

Коррупция шакли жиҳатдан турфа хил бўлиб, нафақат жамиятнинг иқтисодиёт, сиёсат, хукуқ, ахлоқ, балки ижтимоий амалиёт тусига кириб, айrim ривожланган мамлакатларда ижтимоий институтга айланишга улгурмоқди. Ўз навбатида тадқиқотчилар коррупцияни мансабдор шахснинг фойдани тақсимлашдаги иштироки даражасига қараб таснифлайди. Жумладан, цивилизациялашган коррупция, сиёсий коррупция турлича тармоқланган. Цивилизациялашган коррупция – кўпгина мамлакатларда коррупцияга расман рухсат бериш билан шартнома тузмоқчи компания пора учун пул ажратиб, уларни умумий чиқимлар тури сифатида қайд этади. Сиёсий коррупция – унинг иштирокчилари давлат органлари тизимида юқори лавозимларни эгаллаган машхур сиёсатчилардир.

“Тадқиқотчи Т.Сафаров давлат бошқаруви органларидаги коррупциянинг алоҳида шаклларини ўрганган ҳолда, унинг учта умумий типи мавжудлигини таъкидлайди:

-маъмурий коррупция у алоҳида шахс ёки бир неча шахслар манфаатида мансабдор шахс томонидан ҳақ эвазига (масалан, пора эвазига маълум маъмурий муддатни чиқаришда намоён бўлади ( имтиёз, кредит бериш ва ҳакозо);

-бюджет коррупцияси – олий тоифадаги ёки масъул лавозимдаги амалдорлар томонидан бюджет маблағларини йирик ҳажмларда ўзга шахслар билан бирга ўзлаштириб юбориш ёки мақсадли равишда ишлатмасдан, шахс манфаати йўлида ишлатиб юбориш;

-обрў- нуфузидан (тъисир кучидан) фойдаланиш – хусусий сектор вакиллари томонидан нуфузли давлат органи вакиллари тъисир кучидан фойдаланиш орқали шахсий манфаатига эга бўлиш. (“Одиллик мезони” журнали, 2022 йил, 4-сон, 20-бет).

Қашқадарё вилояти жиноят ишлари бўйича судлар томонидан 2021 йил давомида жами 3.779 нафар шахсга нисбатан 2.797 та жиноят ишлари кўриб тамомланган бўлиб, шундан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 210-моддаси билан 12 нафар шахсга нисбатан 8 та ёки 0.2%, ЖКнинг 211-моддаси билан 112 нафар шахсга нисбатан 100 та ёки 3.5%, ЖК 212-моддаси билан 1 нафар шахсга нисбатан 1 та ёки 0.03 ҳамда ЖК 167-моддаси билан 521 нафар шахсга нисбатан 258 та ёки 9.2% жиноят ишлари ташкил қиласди.

Қашқадарё вилояти жиноят ишлари бўйича судлар томонидан 2022 йил давомида жами 5.097 нафар шахсга нисбатан 3.721 та жиноят ишлари кўриб тамомланган бўлиб, шундан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 210-моддаси билан 31 нафар шахсга нисбатан 25 та ёки 0.6%, ЖКнинг 211-моддаси билан 158 нафар шахсга

нисбатан 116 та ёки 3.1%, ЖК 212-моддаси билан 5 нафар шахсга нисбатан 5 та ёки 0.1 ҳамда ЖК 167-моддаси билан 831 нафар шахсга нисбатан 417 та ёки 11.2% жиноят ишлари ташкил қилади.

### **2021 йил давомида:**

Қашқадарё вилояти жиноят ишлари бўйича судлар томонидан 2021 йил давомида ЖК 210-моддаси билан 12 нафар шахста нисбатан 8 та жиноят иши кўриб тамомланган бўлиб, жазо тайинлаш ҳолати таҳлил қилинганда, 3 нафар шахсга ёки 25% нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жазоси; 6 нафар шахсга ёки 50% нисбатан озодликни чеклаш жазоси тайинланган бўлса, 3 нафар шахс ёки 25% оқланган. 11 нафар шахсга нисбатан асосий жазо билан бирга кўшимча жазо тайинланган ҳамда 2 нафар шахсга нисбатан ЖК 57-моддаси билан жазо тайинланган.

Худди шу каби, ЖК 211-моддаси билан шу давр мобайнида 112 нафар шахсга нисбатан жиноят ишлари кўриб чиқилиб, 20 нафар шахсга ёки 17.8% нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жазоси; 28 нафар шахсга ёки 25% нисбатан озодликни чеклаш жазоси; 20 нафар шахсга ёки 17.8% нисбатан ахлоқ тузатиш ишлари жазоси; 31 нафар шахсга ёки 27.6% нисбатан жарима жазоси тайинланган бўлса, 13 нафар ёки 11.6% шахс оқланган. Шунингдек, 24 нафар шахсга нисбатан асосий жазодан ташқари кўшимча жазо тайинланган ҳамда 44 нафар шахсга нисбатан ЖК 57-моддаси қўлланилиб, жазо тайинланган.

Шу давр мобайнида, ЖК 212-моддаси билан 1 нафар шахсга нисбатан жиноят иши кўриб чиқилган бўлиб,

ЖК 57-моддаси билан озодликни чеклаш жазоси тайинланган.

Шунингдек, мазкур давр мобайнида ЖК 167-моддаси билан 521 нафар шахсга нисбатан 258 та жиноят иши күриб тамомланган бўлиб, жазо тайинлаш ҳолати таҳлил қилинганда, 31 нафар шахсга ёки 5.9% нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жазоси; 15 нафар шахсга ёки 2.8% нисбатан озодликни чеклаш жазоси, 256 нафар шахс ёки 49.1% нисбатан ахлоқ тузатиш ишлари, 81 нафар шахс ёки 15.5% нисбатан жарима жазоси, 2 нафар шахс ёки 0.3% нисбатан муайян ҳукуқдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган бўлса, 8 нафар ёки 1.5% шахс оқланган. Шунингдек, 218 нафар шахсга нисбатан асосий жазо билан бирга қўшимча жазо тайинланган ҳамда 93 нафар шахсга нисбатан ЖК 57-моддаси билан жазо тайинланган.

### **2022 йил давомида:**

Қашқадарё вилояти жиноят ишлари бўйича судлар томонидан 2022 йил давомида ЖК 210-моддаси билан 31 нафар шахсга нисбатан 25 та жиноят иши күриб тамомланган бўлиб, жазо тайинлаш ҳолати таҳлил қилинганда, 20 нафар шахсга ёки 64.5% нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жазоси; 7 нафар шахсга ёки 22.5% нисбатан озодликни чеклаш жазоси тайинланган бўлса, 4 нафар шахс ёки 12.9% оқланган. 24 нафар шахсга нисбатан асосий жазо билан бирга қўшимча жазо тайинланган ҳамда 15 нафар шахсга нисбатан ЖК 57-моддаси билан жазо тайинланган.

Худди шу каби, ЖК 211-моддаси билан шу давр мобайнида 158 нафар шахсга нисбатан жиноят ишлари

күриб чиқилиб, 51 нафар шахсга ёки 32.2% нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жазоси; 44 нафар шахсга ёки 27.8% нисбатан озоликни чеклаш жазоси; 13 нафар шахсга ёки 8.2% нисбатан ахлоқ тузатиш ишлари жазоси; 19 нафар шахсга ёки 12% нисбатан жарима жазоси тайинланган бўлса, 29 нафар ёки 18.3% шахс оқланган. Шунингдек, 32 нафар шахсга нисбатан асосий жазодан ташқари қўшимча жазо тайинланган ҳамда 40 нафар шахсга нисбатан ЖК 57-моддаси қўлланилиб, жазо тайинланган.

Мазкур модда билан 2 нафар шахсга нисбатан жиноят иши ЖПК 84-м. 1-қ. 3-банди (вафот этган) билан тугатилган.

Шу давр мобайнида, ЖК 212-моддаси билан 5 нафар шахсга нисбатан жиноят иши кўриб чиқилган бўлиб, 1 нафар ёки 20% шахсга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш, 3 нафар ёки 60% шахсга нисбатан озодликни чеклаш жазоси тайинланган бўлса, 1 нафар шахс оқланган. Шунингдек, 2 нафар шахсга нисбатан асосий жазодан ташқари қўшимча жазо тайинланган ҳамда 1 нафар шахсга нисбатан ЖК 57-моддаси қўлланилиб, жазо тайинланган.

Шунингдек, мазкур давр мобайнида ЖК 167-моддаси билан 831 нафар шахсга нисбатан 417 та жиноят иши кўриб тамомланган бўлиб, 87 нафар ёки 10.4% шахсга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш; 12 нафар ёки 1.4% шахсга озодликни чеклаш, 434 нафар ёки 52.2% шахсга нисбатан ахлоқ тузатиш ишлари, 149 нафар ёки 17.9% шахсга нисбатан жарима, 2 нафар ёки 0.2% шахсга нисбатан мажбурий жамоат ишлари, 1 нафар шахс ёки 0.1% нисбатан муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазоси

тайинланган бўлса, 8 нафар ёки 0.9% шахс оқланган. Шунингдек, 315 нафар шахсга нисбатан асосий жазо билан бирга қўшимча жазо тайинланган ҳамда 156 нафар шахсга нисбатан ЖК 57-моддаси билан жазо тайинланган.

Келинг, шу ўринда шахс томонидан давлат маблағининг ўзлаштиришга оид мисолларга тўхталайлик. И.А. (исми- фамилияси ўзгартирилди) 2021 йил 1 мартдан “Ўзбекнефтегаз” акциядорлик жамияти таркибидаги “Муборакнефтгаз-Сувтаъминот” масъулияти чекланган жамияти директорининг молия ва иқтисод масалалари бўйича ўринbosари вазифасида ишлаб, мансаб мавқеини суистеъмол қилиб, ўзига ишониб топширилган ва ихтиёрида бўлган мулкларни ўзлаштириш мақсадида, жиной ҳаракатларини давомли равишда амалга ошириб келган. “Муборакнефтгаз-Сувтаъминот” масъулияти чекланган жамиятининг “1-С” дастури орқали ўзига бириктирилган электрон имзо орқали 2021 йилнинг март ойида 17016000 сўм, апрель ойида 19967000 сўм, май ойида 43521000 сўм, июнь ойида 27687000 сўм, июль ойида 15826000 сўм ва август ойида 25920000 сўм, жами 149946000 сўмлик моддий рағбатлантириш пулларини ҳамда 2021 йилнинг июль ойида 82342000 сўм, август ойида 44968000 сўм ва сентябрь ойида 50826700 сўм, жами 178136700 сўмлик иш ҳақи пулларини, ҳаммаси бўлиб 328082700 сўмлик жуда кўп микдордаги пул маблағларини ўзига тегишли пластик карталарига ўтказиб олиб, “Муборакнефтгаз-Сувтаъминот” масъулияти чекланган жамиятининг жуда кўп микдордаги мулкини ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилган.

И.А.нинг суд ҳукмида кўрсатилган жиноятни қасдан содир қилганлиги ўзининг биринчи босқич судида айбига тўлиқ иқрорлик билдириб берган кўрсатувидан ташқари, Муборакнефтгаз-Сувтаъминот” МЧЖ бош ҳисобчисининг аризаси, 2021 йил 28 октябрдаги ўрганиш оралиқ маълумотномаси, буйруқ нусхалари, 2021 йил 19 ноябрдаги текшириш юзасидан расмийлаштирилган далолатнома, иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар бўйича маълумотлар жадвали каби ишда тўпланган объектив далиллар йифиндиси билан тўлиқ ўз тасдини топган.

Ёхуд С.С. (исми-фамилияси ўзгартирилган) Фузор туманидаги “ЕСОХИМ-ТЕХСЕРВИС” МЧЖнинг раҳбари вазифасида ишлаб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 11.12.2020 йилдаги “Қишлоқ хўжалигида сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни янада жадал ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4919 сонли қарори ижроси бўйича АТБ “Агробанк” Фузор филиали томонидан 3 йил муддатга 21 фоиз устама тўлаш шарти билан Фузор туманидаги 16 та фермер хўжаликларида томчилаб сугориш технологиясини жорий этиш учун лойиҳа қиймати 9415000.000 сўмлик кредит ажратишга тўхтамга келиниб, шундан тумандаги “Номоз ўғли Икром” фермер хўжалигига 400000000 сўм, “Турдиев Азим Тошимович” фермер хўжалигига 350000000 сўм, “Абубакир Имронбек Вохидович” фермер хўжалигига 173000000 сўм, “Фузор Агромакс” фермер хўжалигига 347000000 сўм, “Жасурбек Омонов” фермер хўжалигига 338000000 сўм, “Махкамбоев Набижон” фермер хўжалигига 243000000 сўм, “Мукаррам хосиятли”

фермер хўжалигига 434000000 сўм, “Нур Самар Ас” фермер хўжалигига 260000000 сўм, “Остонакул Файз” фермер хўжалигига 608000000 сўм, “Равшанова Саодат” фермер хўжалигига 525000000 сўм, “Тиловмурод Усмонов” фермер хўжалигига 347000000 сўм, “Улугбек Баҳридин ўғли” фермер хўжалигига 266000000 сўм, “Амир бобо” фермер хўжалигига 319000000 сўм, “Наврӯз Мирсалим ўғли” фермер хўжалигига 556000000 сўм, “Ёдгоров Фаррух Амирович” фермер хўжалигига 512000.00 сўм, “Худойбердиева Шоҳсанам” фермер хўжалигига 347984300 сўмга тенг 33000 АҚШ доллари, жами 6 миллиард 028984000 сўм кредит ажратилганидан фойдаланиб, ўзи раҳбарлик қилаётган “ЕСОХИМ-ТЕХСЕРВИС” МЧЖ билан пудрат шартномалари тузиб, шартномада дастлабки бажариладиган иш учун лойиҳа қийматининг 50 фоизигача бўлган маблағларни молиялаштириш кўрсатилган бўлса-да, кредит маблағларини ўзлаштириш мақсадида “Номоз ўғли Икром” фермер хўжалигига 400000000 сўм (80 фоиз), “Турдиев Азим Тошимович” фермер хўжалигига 350000000 сўм (71 фоиз), “Абубакир Имронбек Воҳидович” фермер хўжалигига 173000000 сўм (75 фоиз), “Мукаррам хосиятли” фермер хўжалигига 434000000 сўм (81 фоиз) миқдорида жами ўз ҳисоб рақамига 6.028.984.000 сўмни ўтказиб олишга эришади. Ушбу 16 та фермер хўжаликларига қисман иш бажариб, ўзига ишониб топширилган ва ихтиёрида бўлган ўзганинг 1 миллиард 077812479 сўм, яъни жуда кўп миқдордаги мулкини ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилган.

Инсон нафс балосига дучор бўлса, на ўзини, на ўзганинг қадрига етади. Ҳатто қонунни менсимайди,

ўзгалар ҳақидан ҳазар қилмайди. Бундай кимсалар учун ҳаёт шунчаки овунчоқ. Аммо боши деворга урилганда тавба-тазарру қилади. Бу ҳақда Имом Фаззолий шундай ёзади: “Билғилким, сени ким халқ қилибдур? Икки нимарсадин бири зохир бадандурки, ани тан атабурлар, муни зохир күз бирла күргали бўлур. Яна бири маънни ботиндурки, ани нафс дерлар, жон атарлар ва дил ҳам дерлар”.

Нафс сўзи инсоннинг тана эҳтиёжи бўлган ейиш-ичишга ва шаҳвоний ҳирсга нисбатан ҳам ишлатилади. Бу маънода халқимиз нафс сўзини тамоқ, жифилдон, виждон каби сўзлар маъноларда ҳам ишлатади. Буни халқимизнинг қуидаги мақол ва ҳикматли сўзларида учратиш мумкин. “Менинг нафсим балодир, ёнган ўтга солодур”, “Нафс учун кабоб бўлган балиқ”, “Кўп ейиш нафс роҳати, оз ейиш тана роҳати”.

Ўзбек тилининг изоҳли лугатида: “Нафс (арабча нафс-қалб, кўнгил, инсон, мақсад, интилиш, фуур, мағуррлик) ҳақида қуидаги иборалар мавжуд.

Нафси бузуқ (ёки ёмон) Овқатдан сира қайтмайдиган, нафсини тия олмайдиган, ҳирсли. Нафси бузуқ ҳайитда ўлар.

Нафси ўлик (ёки тийик) Нафсини тия оладиган, ҳар нарсага суқ билан қарайвермайдиган.

Нафсига ўт тушмоқ Нафси ҳаддан ташқари авж олмоқ; нафси ҳакалак отмоқ.

“Қуръони карим”да Юсуф алайҳиссалом номидан шундай дейилади: “Нафсимни оқламайман. Зеро, нафс ёмонликка ундовчиидир.Faқат раббим раҳм қилганлар бундан мустаснодир. Албатта, Раббим кечиримли ва раҳмли зотдир”. ( Юсуф сураси, 53-оят).

Порахўрлик инсонийликнинг тубанлашуви белгисидир. Афсуски, нафси ўпқон кимсалар ўзига бириктирилган вазифадан “унумли” фойдаланишни афзал билиб, жиноятга қўл уришади. Жумладан, М.М. (исми, фамилияси ўзгартирилди) Косон туманидаги умумий ўрта таълим мактабларида бирида директор лавозимида ишлаб келиб, мансабдор шахс бўла туриб, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирининг 2019 йил 7 декабрдаги 393-сонли буйруғи билан тасдиқланган Халқ таълими ходимларининг асосий лавозимларининг малака тавсифлари билан унга мактаб умумий фаолиятига раҳбарлик қилиш, педагог ходимларга бўлган эҳтиёжни аниқлаш, тегишли малака ва компетенцияларга эга ходимларни танлаш ва жойлаштириш, уларнинг вазифа ва мажбуриятларини оқилона,adolatli taқsimlaш ваколатлари берилганлигидан қасдан фойдаланиб, тамагирлик йўли билан содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни пора берадиган шахснинг манфаатларини кўзлаб бажариши эвазига, 2022 йил январь ойи бошларида И.Р.дан (исми, фамилияси ўзгартирилди) тамагирлик йўли билан уни ўқитувчи сифатида ишга қабул қилиш, кейинчалик эса унга иқтисодий томондан бошқа ёрдамлар кўрсатиш эвазига 300 АҚШ доллари талаб қилиб, талаб қилинган 300 АҚШ долларини олган бўлиба, уни ишга қабул қилиш билан боғлик масаласини ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолда ҳал қилолмаган. И.Рдан олган пулларини қайтариб бермасдан, йили ва санаси кўрсатилмаган ( М.М. мен И.Рни ишга кириши учун 2022 йил январь ойида 300 АҚШ доллари олганман, иши бўлмади олган пулимни 2022 йил 7

март куни қайтариб бераман) тилхат ёзиб бериб, пора олиш жиноятини қасдан содир этган.

Бундан ташқари, М.М. ўзининг жиной ҳаракатларини такроран давом эттириб, мактаб директори лавозимида ишлаб келиши давомида, ўзига берилган ваколатлардан ғаразли мақсадларда қасдан фойдаланиб, тамагирлик йўли билан содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни пора бераётган шахснинг манфаатларини кўзлаб бажариши эвазига, ариза муаллифи Н.Сдан (исми, фамилияси ўзгартирилган) унинг таниши Ш.С.дан (исми, фамилияси ўзгартирилган) ўзи раҳбарлик қилаётган умумий ўрта таълим мактабига бошлангич синф ўқитувчиси сифатида ишга қабул қилиш учун ундан 2022 йил 3 март куни 400 АҚШ доллари миқдоридаги пулни пора тариқасида талаб қилиб, 2022 йил 4 март куни Н.С.дан Косон тумани Мудофаа бўлими биноси рўпарасида кимёвий ишлов берилган 400 АҚШ доллари миқдоридаги пулни такрорий равишда пора тариқасида тезкор тадбирда жалб қилинган “Нексия-3” русумли автомашина салонида олган вақтда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан ушланиб, ундан холислар ва мутахассислар иштирокида 400 АҚШ доллари тегишли тартибда ашёвий далил тариқасида расмийлаштириб олинган. Суд ҳукми билан М.М жиной жавобгарликка тортилди. М.М. мактаб директори лавозимига дарров эришмаган. Узоқ йиллар педагогика соҳасида хизмат қилиб, тажриба орттириб, раҳбарлик қобилияти борлиги учун шу лавозимга тайинланган. Раҳбарлик мавқени сақлаш ҳам қатъийлик, ростгўйлик, адолатпарварликни талаб этади. Тамагирликка йўл

қўйдими, обрўсига путур етади. Педагог ёш авлод тарбияси учун доимо масъул. Унинг жиноятидан ўқувчилари бехабар қолади, деб ўйлайсизми? Тешик қулоққа ҳар қадай яхшими, нохуш хабарни эшитади. Дунёда энг ёмон нафрат ёш авлоднинг ўз мураббийига бўлган нафратидир. Куни кеча давранинг тўрида бўлган раҳбар жиноий қилмислари туфайли пойгакка отилишини тасаввур қилинг! Шаъни, обрўси йўқقا чиқди. Аслида, бундан ортиқ жазонинг ўзи йўқ. Дунёда ҳамма нарса ҳисоб-китобли. Ҳамма нарсанинг жавоби бор. “Обрўдор” шахсларнинг бир куни келиб тўкилишида ички тарбиясизлик, ўзлигини англаш туйфуси заифлиги сирни ошкор этади. Аллоҳ кўргич ва билгич деймиз. Демак, инсон назоратсиз эмас, ҳамиша назоратда. Лавозимга таниш-билишчилик билан эришган кишиларнинг қисматида бундай нохушликлар кўп учрайди. Улар биринчидан шу лавозимга муносиб эмас, иккинчидан жамоани бошқарув уқуви мутлақ йўқ. “Зўр”им бор ҳар қандай босимдан енгил қутулиб кетаман, деб ўйлашади. Кадрлар қўнимсизлиги иллати мана шу шуқтадан бошлаб “мадда”лай бошлайди.

Коррупцияга оид жиноятларнинг ўсишига сабаб нима? Таҳлиллар шуни кўрсатадики, аввало, фуқароларнинг ҳуқуқий билими ва маданиятини ошириш, ижтимоий муаммолар ечимини ўз вактида ҳал этиш, таниш-билишчилик, қариндошчилик каби ноурфий иллатларга барҳам бериш, кадрлар билан ишлаш сиёсатини янада мустаҳкамлаш, тажрибали, билимли, мутахассислигини тўлиқ эгаллаган ҳамда маънавий-маърифий савияси баланд, ўз обрў, нуфузини қадрлайдиган, тамагирликка номойил, жамоа

манфаатини ўз манфаатидан устун қўя биладиган, жамиятнинг сиёсий, ижтимоий тараққиёти учун масъуллик туйғуси шаклланган, шахслик мавқега эришган кадрларни лавозимларга тайинлаш, ҳуқуқий саводхонликка доир тарғиботни аҳоли ўртасида кучайтириш ўта муҳим роль ўйнайди.

Тадқиқотчи Садирдин Бойдедаевнинг таъкидлашича, “Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, коррупция рейтингларида Ўзбекистоннинг охирги ўринларни эгаллаши давлат инвестициявий имкониятлари ва жозибадорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда. Коррупцияга қарши курашишда жамиятимизда унга нисбатан муросасиз менталетитни шакллантириш – мазкур салбий ҳодисага қарши курашишнинг ягона йўлидир, чунки фақат репрессив ва қатъий чораларни қўллаш орқали жамиятда урф бўлган коррупциявий муносабатлар илдизини суфуриш имконсиз (Хитой тажрибаси буни кўрсатмоқда).

Қолаверса, ёшлар онгига коррупцияни оддий ҳол сифатида қабул қилиш ва ҳаттоқи давлат тизимини йўлга қўйилган, урф бўлган механизм деб қараш мавжуд – буни бир-икки ҳаттоқи, ўн йил ичидаги ҳам ўзгартириш қийин. Ёшлар онгини тизимли равишда иқтисодий-ижтимоий, маданий ва маънавий – руҳий йўналишларда ўзгартириб бориш зарур.” (“Одиллик мезони” журнали, 2022 йил, 4-сон, 21-бет).

Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, инсон тарбияси муҳим аҳамият касб этишини яна бир бор англаймиз. Халқимизда “Куш уясида кўрганини қиласи” деган мақол бор. Фарзанднинг назди тўқ бўлмас экан, у Эгилувчан, синувчан, дунёning дилтортар неъматларига

учувчан бўлади. Ҳазрат Алишер Навоий инсон комиллиги, поклиги ҳақида шундай дейди.

*Камол эт касбким, олам уйидин  
Сенга фарз ўлмагай гамнок чиқмоқ.  
Жаҳондин нотамом ўтмак биайниҳ  
Эрур ҳаммомдин нопок чиқмоқ.*

Бир қарашда мазкур қитъанинг мазмун-моҳиятини тушунишда мураккаблик йўқдек. Зоҳиран олганда, Алишер Навоий панд-насиҳат сифатида бу дунёда яшашдан мақсад комилликка интилиш ва чин инсоний хулқ-авторни шакллантиришни вазифа қилиб қўяётгандек. Бу оламга келган инсон дастлаб ота-онаси парваришида бўлиб, меҳр-муҳаббати ва ардоғида вояга етади. Ҳадиси шарифда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Ҳеч бир ота фарзандига гўзал тарбиядан кўра қимматроқ мерос қолдира олмайди” (Имом Термизий ривояти), деб марҳамат қилганлар. Демак, инсон бир умрга тарбияга муҳтож. Агар инсон ўзини ўзи тарбиялаб бормаса, ҳаётдан сабоқ олмаса, поклигу орифликни дастуралб бормаса, ўткинчи ҳою- ҳаваси домида ўзлигини тополмайди, ён-атроф билан заррачалик иши бўлмай бориб, догматик кўринишга эга бўлмоғи муқаррар экан. Коррупциянинг ҳам энг хавфли нуқтаси киши иродасини синдириб, нафс тузофига илинтиришдир. “Назди очдан қоч – бало”, деган мақол бежизга айтилмаган.

Қ.Р. муқаддам содир этган фирибгарлик ва пора беришга далолат қилиш жиноятлари учун судланиб, хавфли рецидивист бўлгани ҳолда, алдаш ва ишончни сустеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкини кўлга киритиш мақсадида, Ш. А. га Давлат хавфсизлик хизмати

идораларида мансабдор танишлари борлигини, ушбу танишлари орқали уни ДХХ органларига ишга ҳамда ушбу йўналишдаги олий ўқув юргига ўқишга киритишини айтади. “Мижози”ни ишончини суистеъмол қилиб, бунинг эвазига 3000 АҚШ доллари беришини талаб қилиб, уни пора беришга далолат қилиб, 2021 йил 16 июл куни Қамаши тумани “Чим” маҳалла фуқаролар йигини Ўртачим қишлоғида ўтказилган тезкор тадбирда, Ш.А.дан анча микдордаги 32 млн. сўм пулни АТ “Халқ банки” Қарши шаҳар амалиёт бўлими орқали ўзининг номига очилган пластик картасига фирибгарлик йўли билан тушириб олган вақтда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходимлари томонидан ушланиб, ундан пластик карта ашёвий далил сифатида хужжатлаштириб олинган.

Жиноятга таниши А.С.ни ҳам тортишга ўринади. Улар муқаддам жазони ижро этиш муассасида маҳкумлик пайти танишишган. Қ.Р. ўзини меҳрибон кўрсатиб, Ш.А. синглисининг ўғли эканлигини, отаси ундан 8000 АҚШ доллари қарз эканлигини билдириб, аврай бошлайди. “Сиз хужжатларини кўргандай бўлсангиз бўлди”, дейди. Муқаддам танишлигини инобатга олган А.С. “Майликуя, аммо бунақа ишдан тилим куйган, мени аралаштирганингиз маъқул”, дея рад жавоби беради. Қ.Р. “Отаси мени чув туширган, хужжатларини кўриб тургандай бўлсанг бўлди, олам гулистон”, дея кўндиради. Улар шу тахлитда сценарий тайёрлашади. Аммо эртаси куни Ш.А. С.А.га қўнфироқ қилганда: “Билиминг зўр бўлса, ўқишга ўзинг боравермайсанми? У ўқув юргига пора билан киритолмайди, нима қиласан ўзингни сарсон қилиб”, дея жавоб берганлигини судда баён қилади. Қ.Р.нинг “ўйини” шу тахлит ниҳоясига етади.

Ўзини обрўли шахслар билан танишлигини рўкач қилувчи кимсалар, афсуски, кейинги пайтларда ортмоқда. Айниқса, пора жинояти йўналишида фириб-гарликни қойилмақом ижро этмоқчи бўлганлар сувдан қуруқ чиқиб кетаман деб ўйлашадики, аммо айёрикка қарши “маккорлик” тузоги борлигини ҳаёлига келтиришмайди ёхуд билса ҳамки билса чин, билмаса ҳазил қабилида ниқобланишни ўринлатмоқчи бўлишади. Шунинг учун ҳам ҳаёт саҳнасидаги “Хлестаков” лардан доимо огоҳ бўлмоғи лозим.

Демак, инсон қалбан ва маънан ўзининг мураббий бўлсагина ҳар қандай чорасизликда ҳам чора топаолади. Инсон ўзини ўзи тарбияламас экан, уни четдан туриб тарбиялашга уриниш эски, ҳилвираб қолган деворни янгитдан шувоқ қилишдай гап. Бир аксириш қуввати йўқ. Фрейд таълимотига суюнсак, ген бирламчи, тарбия иккаламчи тамойилдир. Одамнинг руҳий тажовузкорлиги турфа жиноятларнинг негизида ҳақиқий кўриниш ҳосил қилгани каби шахснинг шахсиятпастликка қуллиги унинг «мен»ида чуқур илдиз отади. «Қулларнинг тарихи бўлмайди», деган гап бор. Демак, инсоннинг таназзули унинг шахсини емирилишида яққол гавдаланади. Нима демоқчимиз, айтайлик, бир одам уч ёки ундан кўп марта судланиб, такрор-такрор жиноятлар содир этиб, атрофдагиларни, айнан, ўз оиласи ва маҳалладошларини ор-ғурурини тупроққа қормоқда. У содир этган жинояти учун яна тиканли сим ортига йўл олиши мумкин. Аммо унга «уқтирилган» тарбиявий соатлар таъсири тўғридаги нишонни орқа тарафдан излаётган меров мерган ҳолати каби мазмун-моҳиятини йўқотмайдими? Бизнингча, тарбияда ҳам тартиб ва интизом мезони бўлиши,

түгрироғи, англатиш туйғуси ўзак-ядрога айланиши лозим. Афсуски, ўз нағсинаң қондиришдан ҳузурланадиган кимсаларда виждон, номус бегонадир. Юқоридаги Қ.Р. ҳам судланишдан “армони” йүқ шахсинаң йүқотган кимсалар тоифасидандир. Ўзини идора қилолмаган одам бир умр ўзидан узоклашиб, ўзлигини англамай яшайды.

Хар қандай жиноят замирида ҳам нағси ўпқонлиқ туради. Инсон маънан камолга эришмас экан, у адолат ва жаҳолатнинг фарқига бормайди. Шу ўринда коррупция қурбонлари ҳам нағс балоси туфайли халқ нафратига дучор бўладилар. Коррупция – жамият күшандаси эканлигини бир зум унтишга ҳаққимиз йүқ.

## **ОММАБОП НАШР**

**Ҳамид БОБОҚУЛОВ**

### **КОРРУПЦИЯ – ЖАМИЯТ КУШАНДАСИ**

Мұхаррир Ш. Ахматов.

Мусаққиҳ Н. Ҳайдарова.

Мүқова безакчиси Л. Бекмуродов.

Саҳифаловчи К. Темирова.

Нашриёт лицензияси № 5858-775f-17d6-89d3-a021-1994-5946. 22.07.2020. Теришга 25.11.2022 йилда берилди. Босишта 16.01.2023 йилда рухсат этилди. Бичими 84x108<sup>1/32</sup>. Офсет қоғози. Times UZ гарнитураси. Офсет усулда чоп этилди. Шартли босма табоги 1,89. Нашр босма табоги 2,0. 2022-шартнома. 25-буюртма. 1000 нусхада. 32 бет. Эркин нархда.

«Насаф нашриёт - матбаа ижодий уйи» МЧЖ, 180118,  
Қарши шахри, Мустақиллик шоҳкӯчаси, 22-уй.

«Насаф нашриёт - матбаа ижодий уйи» МЧЖда чоп этилди.  
180100, Қарши шахри, «Ўзбекистон овози» кўчаси, 33-уй.



**Ҳамид БОБОҚУЛОВ** 1960 йили Чироқчи туманида туғилган. Тошкент Давлат университети (ҳозирги ЎзМУ)нинг ҳуқуқшунослик факультетини битирған. Узок йиллардан бери суд тизими соҳасида хизмат қилади. Долзарб мавзуларда мақолалари билан марказий ва маҳаллий газета-журналларда қатнашиб келади. Ҳаммуаллифликда "Жўнатилмаган мактублар" китоби нашр қилинганди. Айни пайтда Қашқадарё вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судьяси. Ўзбекистон судьялари Ассоциацияси Қашқадарё вилояти филиали раиси.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси-нинг 25 йиллиги эсдалик нишони ва «Суд фахрийси» медали билан тақдирланган.

